С Уз2
Ш22

Йўлдош Шамшаров

ТОШҚИН



Йўлдош
Шамшаров

ТОШҚИН

Қисса
Ҳикоялар
Қатралар

TOSHKENT SHAHAR YASHNOBOD TUMANI
№ 23.388
AYBORCH - KUTUBXONA MARKAZI

ТОШКЕНТ
Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти
1988

Ўз2
Ш 22

Шамшаров, Йўлдош.
Тошқин: Қисса. Ҳикоялар. Қатралар.— Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988.— 208 б.

Муаллифнинг «Тошқин» қиссасида халқимиз тарихидаги унутилмас воқеа — Катта Фарғона канали ҳашарчиларининг фидокорона меҳнатлари тараннум этилган.

Шунингдек, тўпламга адибнинг турли даврларда ёзган ҳикоя ва қатраларидан саралаб киритилди.

Шамшаров, Юлдаш. Полноводье: Повесть. Рассказы. Миниатюры.

Ш $\frac{4702570200-80}{М\ 352\ (04)-88}$ 23—88 Ўз2

ISBN 5—635—00089—4

ТОШҚИН

БИРИНЧИ ҚИСМ

СИПОВ

Сен пахтасан, олма, апор ва нурсан,
Ўзбек учун сурурсан ҳам ғурурсан.
Ўзни ерга томчи-томчи берурсан,
Дарё эмас, халқ тимсоли эрурсан,
Оқиб тургин, қуриб қолма, опажон.

Эркин Воҳидов

I

Бу жой дарёнинг тирсаги. Бир-бирини кифтлаган қоялар соҳил қалқонлари. Тўлқинлар типимсиз сапчийди, қояларга бош уриб қайтаверади. Садақайрагочлар орасига беркинган чойхона айвони дарё лабига тақалади. Шу айвондаги сўрида икки мўйсафид ўтирибди. Барваста қаддини тик тутганча шеригига чой қуйиб узатаётган қария — Низом полвон, сой ва дарёга сепоялар тикиб, алишлар кўтаргани учун бу атроф одамлари уни мироббоши ота деб аташган, баъзи қадимги чоллар ўтмишдаги даҳшатли бир воқеани эсга солиб, Низом сибирчи ҳам дейишади. Унинг ўнг қулоғи йўқ, бу кемтик чиройли, чўзиқ юзини хунуклаштириб кўрсатади. Унинг рўпарасида қора кепкасини ёпига қўйиб, бир қўлида пиёла, бир қўли билан тақир бошини силаб, жилмайиб ўтирган мўйсафид — инженер Клавдий Никанорович Синявский; дарё ёқалаб у ёқдан-бу ёққа юрган ўрта ёшлардаги киши профессор Алексей Николаевич Аскоченский; дарёга қараганча нималарнидир пичирлаб тик турган новча киши — профессор Виктор Васильевич Пославский; дарё ўйинидан кўз узмай сўри зийида ўтирган норғул киши — Ўзкомпартия Марказий Комитетининг биринчи секретари Усмон Юсупов. Булар Низом отанинг меҳмонлари, унинг таъбирича, буларни сув етаклаш дарди тентиратиб юрибди бу ёқларда.

— Гинага ҳақим бор, Клавдий,— деди Низом полвон унинг қўлидан пиёлани олар экан,— илгарилари битта от қўшилган аравачада бўлса ҳам келиб турардингиз, бормисан, омонмисан, деб. Энди бўлса, шўро ҳукумати учар машинага ўтқазиб қўйибдию ақалли йилига бир марта, тирикмисан, оға, деб йўқламайсиз.

— Тўғри,— деди Сипявский паст овозда.— Сиз ҳақсиз...

— Тўғри демаям кўринг-чи! Ҳар қалай, сиздан тўртбеш қўйлакни ортиқ йиртганман. Ё сизниям қарилик чалянтими?— Низом чол унга синчков тикилиб турди.

Сипявский мулойим жилмайиб бош ирғади:

— Етмиш етиб келянти, хўш, қалайсан, деб. Начора, оға, қонуният, қочиб қутулолмаймиз.

Низом полвон гулдурак солиб кулиб юборди.

— Қариликда шаталоқ оттирадиган дори бизда-да, иним. Эсдан кўтарилдими бўзахўрликлар. Айни вақти келянти: қиш оёғи, баҳор боши...

— Ўша-ўшасиз, Полвон ака, қаримайсиз!— Сипявский унга ҳавас билан тикилиб қолди.— Қўлингизда дутор сайрарди, овозингиз саҳрода янграб учарди. Ҳалиям чертарсиз?

— Йўқ,— бош чайқади у.— Дуторни неварамга тортиқ қилганман.

— Қайси бирига?

— Нор полвонга. Тошкентда у. Дов йигит бўлган.

Икки чолнинг гинадан бошланган ширин суҳбатига завқи келдими, Юсупов жилмайиб ўгирилди:

— Неваралар кўпдир, ота?

— Ўн тўрт йигит, олти қиз. Уларнинг болалари ҳам учирма бўлиб кетянти.

— Пири бадавлат экансиз, яшанг!— деди Юсупов.

Чол унга чой узатди, у бир-икки ҳўплаб, қўлида пиёла, яна дарёга юзланди. Унинг қулоғи чоллар суҳбатида, кўзи пастда. Қоялар кўкрак кериб ғоз турибди, тўлқин анча парида қад кўтариб, кучланиб келади-да, жаҳл билан ўзини шу кўкракка уради, қирғоқ пинак бузмайди, тўлқин чилпарчин бўлиб орқасига ағдарилади, зарралари соҳил устида учиб, садақайрагочларнинг ялангоч шох-бутоқларига энади. Улар соҳил билан туну кун ана шундай олишади, агар соҳилни ўпирса, урвоғини қолдирмай илиб кетади, енголмаса, ўжар қояларни гўё тинч қўяди, наридан, замини бўшроқ жойни ўпиради-да, қояларни айланиб ўтади. Қарабсизки, ўжар соҳил дарё-

нинг ўртасида қолибди. Тўлқинлар ҳамон қоялар елкасига санчийди-да, гўё қаҳ-қаҳ отиб сочилиб кетади.

— Одам ҳушини олиб қочади бу ўйноқи тўлқинлар, иним. Ҳа, ҳаммамизни ўзига тикилтириб олган, аммо, надирки, еримизга намини юқтирмайди бу хасис бедов.

Чолнинг бу сўзлари Юсуповнинг хаёлини жамгарди. Тўғри, неча-неча авлод бу ерларда шу дарёга тикилиб ўтди. Шу асов дарё уйларини, молларини, ҳатто ўзларини домига тортиб кетса ҳамки, улар соҳилдан ажралмайдилар. Унинг қирғоғига яқинроқ келиб уй қураверадилар, нарвона ўзини ўтга урриб ёнгандек.

— Айтинг-чи, Клавдий, бу бедовликка даво борми, нажот топиладими? Биласизми, кечалари гоҳо тонг отгунча илтижо қиламан: э худо, дейман, қулваччаларингни зор йиглатиб томоша қилиш учун бу ерга жойлаштирганмисан?!

Чолнинг бу нидоси унга дадасини эслатди. Юсуфали батрак ҳам сув дардида ёнганларнинг бири эди. Ёнидан оққан сувга қўли етмай, умрининг катта қисми саргардонликда ўтди, не-не азоб билан ўстирган ғўзаси гулшонасида жизғинак бўлиб қолганида хун йиглаб бошқа нажот изларди.

Усмон бўш вақтларида дадаси билан суҳбат қуриб, чолнинг ўтмиш ҳақидаги аччиқ ҳикояларини тинглаб ўтирарди. Бир кун ган айланиб юрт маъмурлигига келиб тақалганда, чол ўйланиб пешонасини силаб ўтирди-да, деди: «Авваламбор, маъмурчиликни, Усмонали, бошқа юртларни билмайману бизнинг юртимизда сероблик келтиради». Ўғли дадасига бу борада кўрилаётган тадбирларни гапириб берди. Дадаси унинг кўзига синчков тикилиб туриб сўраган эди: «Ўзингизни яхши чоглаб кўрдингизми, елкага олгандан кейин оёқларингиз қалтирамайдими? Юрагингиз титрамайдими? Инчунун, бу заводнинг той пахтаси эмаски, елкадан вагонга улоқтирилса...» Ўғли кўзларини олиб қочмади, аксинча, унинг йирик кўзлари катта очилган, отага дадил ва хиёл ҳайратли боқарди: наҳот, ишонмасангиз?

Ота билан ўғил ўртасидаги муносабат Усмон еттидан саккиз ёшга ўтиб отаси ёнига кирибдики, дангал: «Ҳа» ё «йўқ». Сўз қанча қисқа бўлса, шунча яхши, бир жўяк ортиқ чопилади. Сарсон-дарбадар юрганларида ҳам шу эди: «Чарчагандирсан, Усмонали?» «Йўқ». «Ҳа, майли, кам дам олинса, йўл кўпаяди...» Улар рамақижон куп кўришарди. Қозон қайнамай қолган кунларда дадаси: «Осмон узоқ, ер қаттиқ», дер, бу иборага ўз тирик-

чилигига мос маъно берарди, гўё уни юмшатган бўлиб: «Бизга ҳам атаган яхши куни бордир, онаси», деб қўярди. Юсупов дадасига қараб туриб, шўх жилмайди, елкасидаги той пахтани отгандай, силкинди, кейин: «Ишонаверинг, бу елкани апа шу юкка мослаб ўстиргансиз». Юсуфали ўғлидан шу сўзни кутган эди.

Синявскийнинг майин товуши эшитилди:

— Топилди деб билаверинг, Низом ака. Нажот топилди. Яқин орада, ҳа, мени айтди дерсиз, яқин орада бу дашт га муқим сув келади. Ўғилларингиз — бу жойни ташлаб кетган кишилар қайтиб келишади. Бу куйиб ётган дашт яшнаб кетади, мени айтди дерсиз...

Якка, жим, дарё бўйлаб юрган профессор Аскоченский чолларга яқин келди, сўри панжарасини ушлаганча, ганга қулоқ тутди. Низом ота унга чой қуйиб узатди-да, сўради:

— Бу иним ўзимизнинг жайдари инженерлардан. Қирқ йилдан ошибдики, биз билан тепишади. Тўй-томошамизда ҳам, азамизда ҳам бирга. Сиз айтинг-чи, дарёдан сув олиб бўладими?

Чолнинг сидқидиллигидан профессор яйраб кетди. Сув деса, кўксидан гўё дуд чиқаётган бу мўйсафидга тикилиб туриб, Усмон Юсуповнинг бу ишга жаҳд билан киришганлиги сабабини чуқурроқ англади.

— Ишонаверинг, сув келади!— деди у ва чойдан бир ҳўплади-да, қўлида пиёла, гапини улади.— Қишлоқ аҳлини канал қазишга бошлаб чиқасиз, бу чўлга сувни ўзингиз етаклаб келасиз, оқсоқол.

Низом бува ўйланиб, оппоқ соқолини силади.

— Нима, ишонмаяпсизми?— Профессор унга жилмайиб тикилди.

— Нимага энди, ишонаман. Ахир, бу ота-бобомизнинг орзуси. Улар сувга етолмай ўтдилар. Мен етишсам...: менга буюрса...— Чолнинг ҳалқумига алланима тиқилиб, сўзи бўлинди...

Аскоченский, қаранг-а, боёқиш, дегандай Клавдий Никаноровичга қаради. Синявский орадаги иштибоҳни кўтариб ташлаш учунми, ҳар қалай:

— Низом акам русча дуруст сўзлашадилар, профессор, бемалол гаплашаверинг,— деди.

— Узр, узр,— деди Аскоченский суҳбатни қандай ўнглашга йўл излаб.

Бу орада Низом бува ўзини ўнглаб олган эди.

— Тақдир тақозоси билан Сибирда ўрганган эдим... Номи даҳшат бўлган жойда менга яхшилик юқди...

Юсупов тез ўгирилди-да, чолга ялт этиб қаради, унинг кўзларида ҳайрат бор эди: «Қулоги,— деб ўйлади,— қандай жафонинг тамгаси бу?», Аммо ҳеч нима демади, гўё тагин дарё ўйнинига маҳлиё бўлди.

— Дарё ёқалаб чўзилиб кетган қишлоқ экан,— деди Аскоченский ўзига-ўзи гапиргандай.— Юқорилик чўл.

— Ҳа, шабадаси уриб туради,— деди секингина Низом бува.

— Аҳоли кўпми, отахон?— деб сўради Аскоченский.

— Нима десамикин? Ҳа, кўп эди. Оталаримиз айтишарди: қишлоғимиз йигирма минг жонли деб. Колхозлар тузилгунча ҳам тошкентчи, ўзгачилар баҳор кетиб, кузда қайтиб келишарди. Колхоз бўлгандан кейин ҳаммаси эккан ерида қолиб кетди. Уйлари ҳувиллаб қолди. Ариқларда сув шилдираб турмаса, қуруқ дарахтни парранда ҳам қўноқ қилмас экан... Аммо деларада аҳолиси кўп катта қишлоқ бизники.

— Колхоз ҳам кўпдир?

— Кўп. Ленин, Калинин, Охунбобоев, Ворошилов номли, «Социализм», «Коммунизм», «Қизил куч», «Кўшчи»...— Низом бува жилмайиб турди-да, хушҳол кулиб, фикрини давом эттирди.— Бир куни менга ўхшаш бир чол мана шу сўрида хаёл суриб турса, бир вакил келиб сўрабди: «Коммунизмга қайси йўлдан борсам тез етаман, ота?» Чол қўлини узатиб кўрсатибди: «Мана шу йўлдан айрилмай тўғри бораверасан,— дебди,— ўнгга буриласан, «Охунбобоев»нинг рўпарасидан чиқасан, ундан ўтиб «Ворошилов»га етасан, юриб-юриб «Социализм»нинг кўчасига чиқасан, «Социализм»нинг ичиминан тезлаб бораверсанг, «Коммунизм»га етасан», дебди.

Вакил чолга қараб кўзларини пирпиратибди...

Низом бува, майдалик хўжаликни олга элтолмайди, деган маънога шундай оҳанг бериб гапирдики, профессорлар ва Юсупов ҳам ўзини кулгидан тўхтатолмади. Юсупов гавдаси силкиниб кулар: «Оббо чол-эй, оббо чол-эй», дерди.

— Шундай қилиб, бутун қишлоқни битта колхоз қилиб олдик. Битта машина ёки иккита сигир сотиб олишга қурби етмайдиган колхозлар «Коммунизм»га қўшилди. Ариқлар ва сув ҳам бирлашди, энг муҳими, бутун қишлоқ битта раиснинг измига тушди. Умид қиламизки, рўзгор энди оёққа турар.

— Суви тайинмер қанча, ота?

— Яхши билолмайман. Йигирма кулочимга чалинувди: қолган дарё ўрни... саккиз юз гектар бўлсамикин.—

Низом бува ўйланиб турди-да, гапини давом эттирди:— Эшитгандирсиз, бир нақл бор: «Кулол мўндига зор». Биз ҳам ўша кулолга ўхшаймиз. Сув бўлса еримиз бир вилоят бўлади. Аммо, начора, тоғдаги қорнинг чўғига қараб, дашт ерга экин экамиз... Сувдан гап очилса, тилимиз аччиқ бўлишининг сабаби шу...

Юсупов Низом чолга ўгирилди:

— Шундай бир обод жойга айлансинки бу чўл,— деди у, гўё ўзига-ўзи гапирди.— Бупи шунчаки сизни юпатиш учун айтаётганим йўқ. Бу ерларда сув шарқираб оққанини сизга кўрсата олсак, ўзимизни бахтиёр, бунёд қилувчи авлод деб ҳисоблаймиз...

Пославский дарё лабида у ёқдан-бу ёққа аста юриб, гўё оёғининг чигилини ёзарди. У Юсупов ёнига келиб сувнинг тўлганишига қараб турди-да, бирон китобда ўқигани эсига тушдими ёки завқи тошдими, ҳар қалай, баралла товуш чиқариб ўқиди:

— Сув билан жанг қилар соҳиллар типмай...

— Шоирликдан ҳам борми дейман, профессор?— деди Юсупов ва ўрнидан туриб кетди. Унинг кўзи шахт билан кўтарилиб, тирсакка ҳамла қилиб келаётган тўлқинда эди. У Пославскийнинг қўлидан ушлаб парига тортган ҳам эдики, тўлқин қоя кўксига урилди, фаввора бўлиб осмонга кўтарилди, шамол сурган зарралар қайтиб тушгунча улар қочиб улгуришолмади, дарёнинг бу бехос ҳамласидан довдираб қолишган эди.

— Мана бу сув, қани, қочинг энди, оқсоқол!— деб юборди Пославский уст-бошини қоқиб.

Ҳамма баравар кулиб юборди.

II

Юсуповнинг ҳамроҳлари сафар дараддудига киришдилар: Пославский билан Аскоченский Норин — Қорадарё манбаларини қайтиб кўриб чиқиш, Норин Қорадарёга сув қўшадиган канал изи тик нишабланадиган жойларни ўлчаш, қандай иншоотлар қуришни белгилаш, Қорадарёда июнь ва июль ойларида қанча сув қолишини аниқлашга жўнашди. Синявский эса, Фарғонага бориб, Охунбобоев ва Мирзаевларга қўшилиб, Лоғон каналини қазишга тайёргарлик ишларини тезлатишга отланди. «Ҳа, айтмоқчи, Кабир — мироббоши билан Усмонхўжаев сизлар билан бирга бўлишсин, жойни яхши билишади», деб тайинлади Юсупов. Ўзи шу ерда, Низом бува билан суҳбатлашиб, Наманган орқали борадиган бўлди.

Чол унга чой узатди. Юсупов пиёлани ўгириб чой ҳўплар, мўйсафиддан кўз узмасди. Низом отанинг тишлари тушиб, бетлари чўккан, эти қочгап ёноқ суяклари, елкалари дўнгдек кўтарилиб турарди. Улкан бошига ярашиқ шапалоқдек қулоқларининг биттаси йўқ, ўрни чандиқ! Ўнгайсизландими, Юсупов бу чандиқларга ортиқ тикилиб туролмади: бир вақтлари довруғ таратган паҳлавон йигит бўлгандир, бу елкаларнинг ҳар бирида биттадан одам тургулик. Баъзи кишилар олтмишида мудраб, букчайиб қолади. Бу кишини нима кўтариб юрибди? Умид ва бетиним уринишми?

— Отахон,— деди Юсупов, кўтарилиб, қояга сапчишга чоғланиб келаётган тўлқиндан кўз олмай туриб.— Бу даштнинг бирон муқим суви бўлмаганми?

— Бўлган, иним. Анови тоғ оралиғига назар ташланг-а, дарахтзорни кўряпсизми?— У қўлини чўзиб кўрсатди.— Ўша қишлоқни Қирққудуқ дейдилар. Бир замонларда боболаримиз ўша жилғадан қирқ булоқ қазиб, сувини бирлаштирган, ариқ кавлаб, шу даштга олиб келган эканлар, эсимда: оқ сув тортилганда қора сувни навбатлаб ичардик. Сув учун бир-биримизнинг бошимизни ёрар эдик. Чиноқ одамлар, суви сероб жойларга қараганда, бу ерда кўп. Сув одамдан азиз бўлиб кетади бу жойларда. Мана энди ўша сув ҳам йўқ,— деди у ва аллақандай аламдийда, маъюс жилмайиб қаради, ҳолимиз шунақа, оғайни, дегандай.

— Нима бўлган ўша сув?— деб сўради гаппинг тагига етишга интиқ бўлган Юсупов.

— Инқилоб йилларида, қаҳатчиликда булоқларнинг суви тортилиб кетди, қурий бошлади. Очарчилик, ўлат келди. Одам ўз жонини асраёлмасдию булоққа қарармиди? Устига-устак, у ер босмачига қўноқ бўлиб қолди, бу ерда тўртинчилар турди.

Юсупов чолнинг ҳикоясини эшитиб, дарёга тикилганча ўтирибди. Дарё эса, дам-бадам кўтарилар, сапчир, қудратига шак йўқ. Мана буёқ, юқори соҳил — дашт, экинлари қовжираб ётибди, чолнинг таъбири билан айтганда, муқим суви ҳозир туянинг томоғини ҳўлламасмиш. Наҳотки биз шунчалар ожиз бўлсак! Ёввойи кучга бўйин эгиб ўтирсак!

— Тошкентдаги ўғиллар келиб турадими, отахон?

— Аҳёнда бир келиб кетишади...

«Бунинг уруғи ҳам тарқалиб кетган,— деб ўйлади Юсупов.— Ташналар, аламдийдалар!..»

Чолнинг ҳам сўраги келди:

— Ҳамроҳларингиз сув илмининг эгалари бўлишса керак-а, иним?

— Ҳа, сув гамида юришибди, отахон.

— Зўр одамларни ёнингизга олибсиз, муродингизга етасиз.

Юсупов чолга ўйчан жилмайди:

— Ҳа, отахон, халққа сув топиб бериш жавобгарлигини бўйнимизга олдик. Шунинг учун ҳам сувсизлик дардини тортганлар орасида юрибмиз. Давосига ўзларидан дори излаб. Шояд халқ баравар кўтарилса, дарёлар сувини дашт-биёбонларга олиб чиқсак, деймиз.

— Кошки эди! — деб юборди чол.

— Сиз нима дейсиз, отахон, халқ кўтарилиб чиқадими?

Юсупов гапираётганда чол, ўзи ҳам сезмай, қаддини ростлай бошлади. Ўзини дарё тўлқинлари билан баҳслашиб сузган, унинг дамини кесган йигитлик пайтларига қайтаётгандай ҳис этди.

— Чиқади! Мени айтди деяверинг. Маҳалла-маҳалла бўлиб, колхоз-колхоз бўлиб, қишлоқ-қишлоқ бўлиб чиқади. Тошкентдагиларни ҳам чақираман. Ишонаверинг, иним, — деди ўрнидан туриб. Беихтиёр қўл очди: — Худойим интиқ беморга табибни ўз оёғи билан етказгани рост бўлсин!

У пасқам гувала деворли кўчаларда уйма-уй кириб, колхозчилар турмуши, шаронти билан танишиб юрди. Колхозчилар билан суҳбатлашди. Биров ўғилларини жўнатиб, кампири билан ўзи қолган, баъзи уйларнинг эшиклари берк, эгаси кўчиб кетган ҳовли ҳувиллаб ётарди. Колхозда эса, куч кам, хўжалик абгор. «Ариғида сув шалдираб турса, бошқа жойларда тентираб юришармиди?» Низом буванинг сўзларини эслади. Дарё бўйидан катта сув олиб келамиз, ерларингиз бошидан анҳор лимлим оқиб туради, деса, кексалар эртак эшитгандай, кўзлари жавдирашади. Уйма-уй юриб, одамлар дардини эшитган сари, Юсуповнинг аҳди маҳкамланаверди. Йўл-йўлакай унинг кўз олдида Рокотов гавдаланди: «Оҳидан дуд чиқаётган мана бу деҳқонлар билан гаплашганингизда эди, азизим, балки каналлар ҳашамини ҳозирча унутган, умумхалқ юриши оқимига қўшилиб, бу даштларни сугоришни тезлатиш йўлига тушиб кетган бўлармидингиз? Ҳа, ҳа, шунга аминман, бу гапларингиздан ҳали ўзингиз кулиб юрасиз! Ё янгини қабул қилиш шунчалик қийинми, кўнгилга дарров сига қолмайдими-а?..» У Итти-

фоқ Ер ишлари халқ комиссарлиги ирригация ишлари бўйича масъул ходими Рокотов билан хаёлан баҳслашарди. Каналларни умумхалқ усулида қуриш ҳақидаги фикр-режаларни Москвага олиб борганида, у киши «Афсона» гаплар бу, деб масхараомуз қараган эди.

У хаёл оғушида кўча ёқалаб борарди. От дупури унинг хаёлини чалғитди. Биров от йўрттириб келарди. Юсупов қараб турди-да, ногоҳ жилмайди. Райком бўлим мудири Усмон Икромов. Юсупов уни ўтган йили Лангар ариқни қазиш кунлари таниган эди. У колхозчиларга комил ишонч билан ёниб, сўз уқтирарди. Ҳали у тўдада, ҳали бу тўдада гапираётганини кўрган эди Юсупов. Икромов отни нарида, девор ёнидаги толга боғлаб, ўзи Юсупов томон юрди.

— Ие, ие, ўзимизнинг пропагандист келаётибдиларку! — Ийманмасин, деб ўйладими, у келиб улгурмасидан Юсупов қўл узатди: — Хўш, хўш, отни жуда қаттиқ йўрттирибсиз, адаш, иш жуда қисталанг дейман? — У сағридан ҳовур кўтарилаётган отга тикилиб туриб, бошини сарак-сарак қилди. — Бечора жониворга жабр бўпти-ку!

Икромов изза бўлди шекилли, ерга қараб секин гапирди:

— Найманга ўтувдим...

Юсупов унга қулоғини тутди:

— Дадилроқ гапиравернг.

— Найманга ўтувдим, лекция ўқидим... — Қаттиқроқ гапирди у.

— Яхши, одам кўп йиғилдими?

— Клубга сиғмай кетди. Темани олдин хабар қилдириб қўйган эдик. «Сув учун умумхалқ юришининг тараққиётимиздаги ўрни». Одамлар жуда қизиқиб тинглашди. Кўп саволлар беришди. Катта Фарғона ва Шимолий Фарғона каналлари қаерлардан бошланади, қаерлардан ўтади, уларга қанча сув сиғади, ҳатто ёз-қиш тинмай оқиб турaверадими, деб сўрашади одамлар.

— Ҳамма чиқишга тайёр денг?

— Ҳатто чоллар чиқишмоқчи.

— Ҳа, каналчилик ғоясини одамлар онгига сингдираверпш керак. Бу ҳаммамизнинг ишимиз, ҳаммамизнинг бурчимиз, деган фикр билан яшасин каттаю кичик, — у сўзидан тўхтаб, Икромовнинг елкасига қўл ташлади.

— Аммо, — деди Икромов унинг сўзини олиб, — саволжавоб вақтида муллача кийинган бир киши қўл кўтарди: бир-икки огиз гап қўшсам ижозат бўладими, деб сўради. Ҳамма унга ўгирилиб қаради. Афтидан, найманлик

эмас, шунинг учунми, йиғин аҳли унга ҳайрон бўлиб қараб туришарди.

— Бу мажлис эмас, музокара очилмайди,— деди партком секретари.

— Мен меҳмонман, кўнглимдаги иштибони изҳор этишга ижозат сўрайман...

— Меҳмон экаплар, майли, ғапирсинлар,— дедим мен.

— Агар катта канал Тожикистонга ўтса, Қўқон кўчириладими?— деди у аста товуш билан.— Шаҳар тагидан ҳам унинг атрофидаги районлардан сув кўтарилади,— одамларга қараб-қараб сўзини улади.— Ҳукумат тепасида турганлар буни ўйладими-йўқми? Шу гап чиққандан бери ҳамма безовта!..

— Музокарангиз узун экан, меҳмон, тўхтатинг,— деди колхоз раиси,— қараб турсам, бизга тескари ташвиқот юргизяпсиз. Қайси кавакдан чиқдингиз, билмайман. Сельсоветга айтиб қаматиб қўймасимдан туёғингизни шиқиллатинг, акс ҳолда...

— Меҳмоннинг кўнглига озор етказманг, раис, майли, ижозат берамиз, кўнгилларидаги «иштибо»ларини айтиб олсинлар,— деди қишлоқ шўросининг раиси, «иштибо» сўзини таъкидлаб.— Лекин олдин менинг Махсум домлага бир-иккита саволим бор. Айтинг-чи, мурид овлаб юрар, беморларга эзибички ёзиб берар, кейин дам солиб қўяр экансиз. Ҳозиргача буларингиз хуфия эди, ўзингизни кўрсатмасдингиз. Мана энди кўрсатдингиз ўзингизни...

— Рўдапо кўйлагидан билувдим-а кимлигини,— деди залдагилардан бири. Қийқириқ, кулги билан ҳайдаб чиқаришди уни.

Қошлари чимирилиб қулоқ солиб турган Юсуповнинг чеҳраси бирдан ёришди:

— Қийқириқ солиб ҳайдашдими, ғалабанинг боши шу, адаш. Каналчилик ҳаракати ғоясини халқ кўнглидан суғуриб ташлайдиган куч йўқ энди! Қўқонни сув босиб кетармиш-а? Кароматларига қаранг. Эшон дадалар ҳам типирчилаб қолишди. Сув етаклашга қарши! Биз бўлсак, ташпаликка, сувсизликка қарши халқнинг буюк юришини ташкил қиламиз. Бу халқнинг ҳали тарих билмаган оммавий юриши бўлади. Бу юришга қаршилар ўнгдан чиқса ҳам, сўлдан чиқса ҳам савалайверасиз, адаш. Бу йўлда беқарорлик, субутсизлик, мижғовликка ҳам аёвсиз ўт очамиз. Янги дарё қазиш учун! Билиб қўйинг, адаш, икир-чикирларга қоришиб, ўзни айбсиз кўрсатгандан кўра, унча-мунча хато қилсак ҳам, катта ишларнинг

бошини тутайлик. Ҳа, қўриқ очсанг, бир йўла улгуржи оч!

У йўл-йўлакай гапириб, Икромовни дарё бўйига, Низом чолнинг олдига бошлаб келди. Икромов югуриб бориб чол билан сўрашди. Юсупов шодон кулди:

— Эски танишмисиз, дейман, Низом бува билан, адаш?

— Бу атрофда Низом отани танимайдиган ёшу қари йўқ. Ҳаттоки пионерларимиз ҳам мактабга чақириб, отанинг суҳбатларини олиб туришади...

— Жуда яхши, жуда соз!— деди Юсупов, унинг руҳи яна ҳам кўтарилган, энди бармоги Икромовнинг кўкрагига тиралган эди. У бўлса, Марказком котибига ҳайрон тикилиб қолган эди.— Биласизми, адаш, боягина Низом бува айтувдилар: касал тузалгиси келса, табиб ўз оёғи билан етиб келади, деб. Шундоқми, Низом бува?— Гапнинг тагига етмаган чол ҳам унга ҳайрон тикилиб қолди.— Сизлар ариқ қазиб тажриба орттирдиларингиз. Тажрибаликлар, одатга кўра, қўшниларини шатакка оладилар. Шундайми, адаш?

— Шундоқ, Усмон ака.

— Ана, кўрдингизми, келишиб ҳам олдик. Қирққудуқнинг кўзларини очиб, қўшнининг аригини қазишга ёрдамлашинглар.

— Бу иш бошланди, Усмон ака...

— Нима, бувانинг хабарлари йўқ экан-да?— Юсупов суюниб сўради.

— Балки,— Икромов бош ирғади.— Гидротехник бошлиқ сув ходимлари бу колхознинг одамлари билан чиқиб кетишувди.

— Қани, жўнадик ўша ёққа, машинага чиқинг, адаш, отга Низом бува қараб турадилар.

Сув ходимлари тажриба учун бир неча булоқни тозалаб, кўзларини очиб кўришибди. Меҳнатлари зое кетмапти, ҳатто бир чуқур булоқнинг кўзидан сув фавворадай отилиб турарди. Юсупов буни кўриб жуда мамнун бўлди. Демак, Низом бува каби кексалар бу сувга бежиз кўз тикмаган экан.

— Чолни хурсанд қиласиз, адаш. Энди уларнинг озгина бўлса ҳам даштга келадиган қора суви бўлади, шалдираб оқиб турганини кўрса, чол яшариб кетади.

У кечгача тоғ оралиғида, шу жилғада булоқлар кўзини очиш билан банд бўлган кишилар орасида юрди. У тўлқинланиб Икромовга уқтирарди:

— Биласизми, ука, бир қулоқ сув уч-тўрт юз гектар

ернинг томоғини ҳўллайди. Колхозчиларга ҳозир шу ҳам тўтиё. Аммо биз бу жойнинг минг-минг гектарлаб даштига етгулик катта сув олиб келамиз, Катта Фарғонадан кейиноқ шунга киришамиз. Бу буюк революцион иш бўлади!

Икромов Юсуповни кўрган, районга келганда докладини тинглаган-у, лекин у билан бунақа яқин гаплашмаган эди. Юсупов эса, тўлиқиб унга уқтирарди:

— Ташкилотчилик қобилиятимизни синовдан ўтказамиз, адаш,— деди у.— Биласизми, ташкилотчилик катта санъат. Одамдан зўр эҳтирос, шижоат, қунт, тоқат ва абжирлик талаб қилади. Халққа бош бўлиш, уни революцион ишларга, тубдан ўзгартирадиган улуғ ишларга бошлаш катта бахт. Аммо,— деди у катта, тақир бошини кафтлари орасига олиб,— аммо ёмон от қолдиргандан кўра, ном-нишонсиз ўлган яхши... Ҳа,— деди у қўл ҳаракати билан фикрига гўё куч бериб,— халқ хизматида бўлгапга яраша, борингни унга бахш этсанг, фидойилик билан хизмат қилсанг, менинг тушунчамда — бахт дегани ана шу. Шундай хизматга тайёрланинг, адаш,— у шаҳодат бармоғини Икромов кўкрагига тираган эди, у жилмайиб тисарилди. Завқланиб кетганидан ёнидаги йигитни беихтиёр нуққани Юсуповнинг ўзига нашъа қилди шекилли, кулиб юборди. Ногаҳон кўтарилган кулгиси бирданига тинди.— Гап ана шундай, адаш, Поп ариги гўё бу юришнинг боши бўлди, улкан-улкан каналларга. Ҳали шундай ишлар бошланадики. Ҳа, шу ишларга тайёрланинг!

III

Тошкентнинг Гоголь кўчасидаги улкан бино ўша кезларда республика сув хўжалиги ходимларининг қароргоҳига айланган эди. Катта папка қўлтиқлаган мироблар, олимлар кечаю кундуз бу ерга бетиним кириб-чиқишарди. Бу бинода тонг отгунча чироқ ўчмасди. Қадимий анҳорларнинг қандай қазилгани, алишларнинг қандай қурилганидан тортиб, жаҳондаги машҳур каналларнинг лойиҳалари шу ерда алоҳида-алоҳида ўрганилар, муҳокама қилинарди. Бўлгуси каналларнинг янги, бугунги кун талабига жавоб берадиган лойиҳалари шу ердан йўлланма оларди. Муҳим муҳокамаларни Ўзкомпартия Марказий Комитетининг биринчи секретари Усмон Юсуповнинг ўзи бошқарарди. Албатта, ким хурсанд, ким ерга қа-

раганча, хафа чиқиб кетарди. Сув мутахассисларининг эътирофига кўра, ирригация қурилиши ҳеч қачон бу тарзда асосий масала бўлиб турмаган эди.

Иккинчи кундирки, ирригаторларнинг кенгаши давом этяпти. Мутахассислар, область ва районларнинг сув хўжалиги ходимлари, мироблар шу ерда. Кенгашда Юсупов ўзи кам гапирди, бошқаларни, кўпроқ мутахассисларни гапиртирди...

Катта танаффус вақти эди. Одамларнинг руҳи баланд. Фойеда, ҳатто ташқарида ҳам тиқилинч, ёплаб, бир-бирини суриб зўрга юришади. Ҳаммаёқни ғовур босиб тургандай, фойе гулдурайди. Шу тиқилинчда, одамлар орасида бир оз юргиси келдими, Юсупов ҳарсиллаб ташқарига зўрга чиқиб олди. Унинг вақти чоғ эди. Нарироқда инженерлардан И. Ф. Феодеев, Б. Д. Коржавин, А. И. Клочков, И. Д. Лебедев, профессорлар: А. Н. Аскоченский, СССР Ер ишлари халқ комиссарлигининг вакили Г. Г. Рокотов, Ўзбекистон Ер ишлари халқ комиссари С. Азизов, инженер С. М. Курбатов, гидротехник Кабирбоев каби Юсуповга таниш кишилар суҳбат қуриб туришарди. Буларга кўзи тушиб, у суюниб кетди. Сўнгги бир йил мобайнида буларнинг кўплари билан танишгина эмас, ҳатто қадрдон бўлиб кетди. Тўғри уларга қараб юрди. Ҳали етиб бормасидан Лебедевга қўл узатди. Ўзбекистонда сув ишларини тартибга солишга дуруст ҳисса қўшиб келаётган бу хушчақчақ белорус йигитининг кечаги нутқи унга жуда ёққан, кечқурун у билан Фарғона водийси ерларини суғориш устида узоқ гаплашган эди. Ҳозир эса, унинг бақувват қўлини қисиб, чеҳрасига синовчан тикилиб турди-да:

— Сен менга ёқиб қолдинг, Иосиф Дмитриевич,— деди.— Катта Фарғона ҳақидаги схеманг анча маъқул. Уни ҳашамлардан анча енгиллаштириш лозим. Биз Аскоченский, Коржавин, Синявский каби мутахассислар билан уни қараб чиқдик. Асака қайнамаси каби дюкерлар, катта тўғонлар устида ҳали мукаммал фикр юритамиз. Аммо сен бардам бўл. Гап шу, оғайни, тезда Фарғонага жўна, ёнингга тегишли кишиларни, ҳа, Низом чол билан Бузрукхўжани ҳам ол, бўлғуси канал ўтадиган изни аниқлаш, ер тузилишига оид қидириш ишларини авж олдириш керак. Ҳисобни шундай тузиш керакки, оммавий пахта терими бошлангунча ер қазиш ишларини тугаллайлик. Ихтиёрингда бор-йўғи олти ой вақт бор —

икки юз етмиш километрлик изни аниқлаш, ўрганиш ва лойиҳани битказишга,— унинг кўзига тикилиб турди-да, давом этди,— бошинг билан жавоб берасан. Сен учун мен жавоб бераман. Халқ олдида, партия олдида. Иккаламиз бир киши, аравапинг тиркиши. Биласанми, халқ оғзида ана шундай бир нақл бор.

Рокотов ориқдан келган чўзинчоқ юзини оппоқ рўмолча билан артар ва ўйларди: «Бу ёш секретарь бунча ўктам? Ирригациядан нима билади у? Йиллар давомида улгуриш маҳол бўлган катта ишлар муддатини тайинлайди: олти ой дедими? Мана бу олимлар, инженерлар нимага чурқ этишмайди? Тавба!..»

Бу орада Юсуповнинг шаҳодат бармоғи республика сув хўжалиги бошқармасининг бош инженери Коржавиннинг кўкрагига тиралган эди.

— Борис Дмитриевич, сен, биродар, эртага Клочков, Феодеев ва Синявскийлар билан бирга Фарғонага жўна, Йўлдош ака ҳам изларингдан етиб борадилар. Лоғон ариқ ишини бошлаб юборамиз. Яхши биласан, бу Катта Фарғонанинг босқичи. Тешабой Мирзаев билан Емцев, колхозчилар вакиллари келавериб обком ва оближроқўм остонасини тешворди, дейишяпти. Масъулият менинг зиммамда, эътироз ва қаршиликларни каналга босиб ташлаймиз. Кучимиз етадими?— Камгап, осойишта юрадиган Коржавин жилмайиб бош ирғади. Юсупов Клочковга ўгирилди.— Табриклайман сизни, Алексей Иванович, сизнинг лойиҳангизни қабул қилдик. Сизга ҳам илтимос шу: одамларингиз билан иш тепасига кўчинг. Лойиҳанинг ҳамма кам-кўстини ўша ерда, трассанинг ўзида тўлдирасиз. Хўш, маъқулми?

Клочков, нима дейишини билолмай, унга тикилиб қолди, ҳозир уни ҳаяжон қамраб олган эди.

«Далада, бўлғуси трассада лойиҳа тузадими? Ўйинчоқ бўлибди-да, канал қуриш.— Ғижинди Рокотов.— Тағин кетмонда қурармишлар. Замонавий техника қолиб, шунча узоқ ўтмишга қайтадими? Озмунча куч, озмунча харажат кетадими бунга?! Йўқ, бу йўлдан қайтариш керак буларни. Аммо уқармикин? Уқмасалар Москвада — комиссарликда гаплашамиз. Ҳаммаси маблағга боғланади...»

Юсупов жуда хушҳол эди, кенгашда Фарғона водийсининг ерларини суғориш, янги каналлар, сув омборлари қуриш устида тахминий лойиҳалар батафсил муҳокама қилинганлиги, унинг назарида, кўнгина чигал, қоронғи масалаларни равшанлаштирган эди. Фақат Фарғона во-

№ 23388

дийси сув шохобчаларинигина эмас, ҳатто бутун Ўрта Осиё республикаларидаги дарё ва соҳаларнинг қувватини ишга солиш, электр станциялари барпо қилиш ҳам ўртага ташланди. Масалан, Амударёда Туямўйин, Сирдарёда Фарҳод, Чирчиқ дарёсида Чорвоқ, Вахшда Норак станциялари... унинг кўз олдида чўллар яшнаб, ҳаммаёқ чароғон бўлиб кўринди... У Аскоченскийнинг белидан қучиб олди-да:

— Ажойиб бир даврда, яйраб яратадиган замонда яшаяпмиз,— деб юборди жўшиб.— Келажак бугундан бошланади, азизлар. Уни ўзимиз яратамиз.— У қувнаб, шерланиб гапирди. Бу иборани у Москвада, партия мактабида ўқиб юрганида лекциялардан бирида эшитган ё ўқиган, кейин анча вақтгача суюниб, пролетарчасига қўл чўзиб, такрор гапириб юрган эди. Кейин у Рокотовнинг рўпарасига келди, унга кулиб қўл узатди.— Қалай, кенгашнинг бориши, муҳокамаларнинг тарзи сизни ҳам хурсанд қиляптими? Мен жудаям мамнунман, қатнашчиларнинг руҳи, одамлардаги ишонч, биласизми, менинг назаримда, ирригация соҳасидаги катта мўлжалларимизнинг замини, пойдевори тикланаётгандай. Сиз бу ерда ҳозир бўлганингиздами, ҳар қалай, мутахассислар кўтариб чиқаётган масалалар кўлами битта республика доирасида туриб қолаётгани йўқ...

— Буниси яхши, Усмон Юсупович, аммо каналчилик ҳаракатида шошмашошарликка ружу қилиняпти шекилли. Боя сўзимда, эътибор қилгандирсиз, айтиб ўтганимдек, бу масалада тезоблик ўрнига босиқлик... олдин тажриба орттириш, бошқаларнинг бой тажрибасидан фойдаланиш керакдир балки...

Юсупов унга ҳушёр тортиб, юзлари бирданига жиддийлашиб тикилди ва «тажриба орттириш...» деб такрорлади, секин, гўё ўзига-ўзи гапиргандай. «Ишонмаяпти бу одам»,— хаёлидан ўтди Юсуповнинг. Рокотовнинг чўзинчоқ, сипо ва айни вақтда такаббур чеҳрасига тикилиб туриб, ҳеч ўйламаганда, кўнгли тагида қолиб кетган бир воқеа лоп этиб эсига келди: Юсупов ўшанда ҳали ёш, давлат ишлари майдонига эндигина тушган, таъбир жоиз бўлса, фаолиятининг илк тонги эди. Округ касаба союзига эндигина сайланган, заводда пролетарча эркин жараёнга ўрганиб қолганиданми, ҳар қалай, ташкилотлар билан ишчилар орасида нимадир чатоқ чиқар, иш суръати сустлашарди, шунда у: «Бутун масъулиятни шахсан ўз зиммамга оламан» дер ва ишни туриб қолган ўрнидан жилдирди. Адиллиги, ўктам-

Ўзбекистон Ҳизмати

лиги ёқиб қолдими, бир куни уни округ партия комитети секретари ҳузурига чақиришди.

«Биласизми, Усмон Юсупович, иш жойингизни ўзгартирсангиз, ўртоқлар билан гаплашиб бир фикрга келдик: окружкомда ишласангиз.— Секретарь бу гавдали, лўппиюз, забардаст йигитга синчков тикилиб турди-да, сўради:— Хўш, келишдикми?»— «Савод масаласи чатоқ,— деди Юсупов маъюс жилмайиб, у ўнғайсиз ҳолатга тушиб қолган, ҳатто терлаб кетган эди.— Мактаб кўрмаганман. Тажрибада ҳам оқсайман...»— «Аммо садоқатда бутунсиз,— деган эди окружком секретари. Юсуповнинг содда сўзи ёқди шекилли, у жиддий тарзда давом этди:— Садоқат партия ходиминнинг муҳим фазилати, Усмон Юсупович».—«Бунга ўзимнинг ҳам шубҳам йўқ».— «Тажриба,— деган эди секретарь,— у одам ҳаётининг шундай бир омилики, ўзи вужудга келиб қолмайди, амалий иш устида, ҳаётнинг оғир, мураккаб масалаларини ҳал этиш давомида, аста-секин ортаверади. Ўқиш масаласига келганда, ўқиш сизга жудаям зарур. Буни инкор қилиб бўлмайди. Сира ҳам. Аммо, начора, ҳозир шундай зарур нарсалар борки, буларни навбатга қўйиб бўлмайди. Шунинг учун, вақтинча, садоқатнинг ўзига таяниб туришга тўғри келади...»

— Тажриба, Григорий Гаврилович,— деди Юсупов энди чеҳраси анча ёришиб,— осмондан ялт этиб тушмайди, уни одамларнинг ўзлари ҳосил қиладилар. Ҳар ишга қўрқмай киришаверса. Қўрқса-чи, на катта, на кичик иш ўрнидан жилади. Тажриба ҳам ортмайди. Шундоқми?— У ўгирилиб кетаётган эди, Рокотовнинг сўзи тўхтатди:

— Усмон Юсупович, вақт ажрата олсангиз, дурустроқ гаплашиб олсак бўларди...

— Эртага эрталаб,— деди Юсупов бурилиб кетаётиб.

IV

Каналлар қуриш, республикадаги катта даштларни суғориш зарурлиги бирдан туғилиб, майдонга тушган фикр эмас. У беш-олти йил ичида гоҳ кўтарилиб, гоҳ унут бўлиб чўкиб ётди. Ўзкомпартия Марказий Комитети ўтган ўттиз саккизинчи йил давомида, айниқса бу йил бошидан уни ётган жойидан турғазди; бу сафар унга янги миқёс, янги мазмун киритди, яъни бу ҳаракатга сув учун умумхалқ юриши деб ном берилди. Ҳамма бу юришнинг бошланишини тоқатсизлик билан кутди.

Аммо, олдин планлаш ташкилотларига ўз бўйини ўлчатгани келганда, бунга уларнинг ўлчовлари етмай ҳайрон бўлдилар, қўш кўзойнак тақиб қарадилар, ҳатто Ер ишлари халқ комиссарлигининг «Беломорканал» ва «Москва — Волга» канали қурилишида тажриба орттириб, қуролланиб олган Рокотов бошлиқ мутахассислар уларга ёрдамга етиб келдилар. Улар бу қурилишларнинг схемаларига кўз югуртириб, бу ҳақдаги ҳисоб-китобларни синчиклаб кўздан кечириб, елкаларини қисдилар, ҳатто: «Бу шунчаки янги қурилиш тахминлари эмас, эртак ва афсоналардаги маҳобат гапларга ўхшайди», деб кулди Рокотов. Кейин Юсуповга қараб: «Бу паҳлавоннинг тагида қолиб кетманглар тагин», деб учириқ гап қилди.

«Сизлар билан, азизлар, тил топишолмадик,— деди Юсупов ўрнидан оғир туриб.— Фикрлар тўқнашиб, ўт сачраса майли эди, бунда сиз масхаралаб гапирган «паҳлавон»ни асрлар бўйи кўксида етилтирган халқ кўтара оладими-йўқми, ақалли, олисдан бўлса ҳам томоша қилардингиз, муҳтарам профессор, афсус». Демак, ишонтиролмадик буларни. Умуман, тийинни-тийинга уриштириб кўпайтирадиган ҳисоб-китоб кишилари билан гаплашганда, Юсупов сўзини йўқотиб қўяр, ҳатто дудуқланиб жимиб қолар, қўл силтаб нари кетарди. Касаба союзларида ҳам, министр бўлганида ҳам шундай эди, кейин таваккал қилиб, бор масъулиятни ўз зиммасига оларди-да, тўхтаб қолган ишни жилдириб юборарди. Бу сафар ҳам шундай фикрга келди, таваккал, тўппа-тўғри Сталиннинг олдига киради. Телефон орқали бўлган гаплар, мурожаатларни эътиборга олмаганда, бевосита, юзма-юз гаплашмаганига анча вақт бўлди...

Юсупов унинг қабулига йўл олди. Таваккал: бор гапни айтади. Дуруст иқтисодчилар, ирригация соҳасининг йирик олимлари тушунмадилар, маҳобат, дедилар-а! Ахир бу иш тез рўёбга чиқмаса, тез қурилмаса Ўзбекистонда фаровонлик тўғрисида жиддий гап юритиб бўлмайди-ку! Шундоғ олим одамлар шуни тушунмайдиларр-а! Йўқ, бу нарсани, халқ қалбида етилган бу улуғ ишни фақат ўртоқ Сталин тушунади.

У кирганда Сталин пойандоз устида аста юрарди, Юсупов эшикдан кирдию унинг хаёлини бузмайин деб тортиндими, нимагадир тўхтаб қолди.

— Келаверинг, яқинроқ,— деди Сталин. Юсупов яқин борди, унинг назари, фикр-хаёли фақат Сталинда эди, катта столнинг бир бурчагида нималарнидир ёзиб, қўл қўйиб ўтирган Молотовга энди кўзи тушди.

— Нима, каналлар, иншоотлар қурилишидаги мавжуд анъапаларни итқитиб ташламоқчимисизлар, ростми бу гаплар? — У Юсуповга синчков тикилиб сўради. Товуши қуруқ эшитилди.

Юсупов ўз қулоқларига ишонмади.

— Йўқ, ўртоқ Сталин, — деди у шошиб ва ҳаяжонланиб. — Биз каналлар қуриш, чўлларни суғориш бобида, маълум сабабларга кўра, жуда кечикканмиз. Ўзбек халқи, Ўзбекистон коммунистлари Ленининнинг бу борадаги васиятини адо этиш, бу кемтикни тез тўлдиришга аҳд қилганлар. Бу масалада сизнинг ёрдамингизга муҳтож бўлиб қолдик, Иосиф Виссарионович.

Сталин оҳиста одимлаб, яна нари кетди. Юсупов ҳамон ундан кўз узмасди. У қайтиб, яна Юсуповнинг рўпарасида тўхтади:

— Хўш?

— Ўзингизга жуда яхши маълум, ўртоқ Сталин, республика экономикадан анча бақувват бўлиб олди, ўтган йилнинг якунига кўра, миллионер колхозларимиз беш юзга етди, шулардан уч юзи — каналлар қуришни кўзда тутаётганимиз Фарғона водийсида...

— Дуруст, — деди Сталин, — нечта канал, яхшилаб аниқладиларингми, харажати қанча бўлади?

— Лоғон канали, ўттиз икки километр. Буни ВКП(б) XVIII съезди ўз ишини тугатадиган кунга битирмоқчимиз. Катта Фарғона каналини ёзда бошлаб, пахта терими бошлангунча тупроқ қазиш ишларини битказмоқчимиз. Харажати тахминан бир юз эллик миллион сўмга боради...

Сталин Молотовга қаради. У ўрнидан турди:

— Битта қурилишга ҳозир давлат бунча маблағ ажратолмайди...

— Тўғри, ажратолмайди. Ўзингиз ҳам тушунарсиз? — У савол назарини Юсуповга тикди.

— Агар давлат бюджети харажатларнинг бир оз қисмини ўз устига олса, ўртоқ Сталин, асосий қисмини колхозлар кўтаради.

— Колхозлар даромадининг неча процентини ташкил этади харажат?

— Бир ярим процентга яқини...

— Майли, — деди Сталин, унинг кўзида илиқ табассум аломати кўринди, — Лоғонни қураверинглар. Катта Фарғонанинг мукаммал схемасини ва талабномаларингизни бизга юборинг, кўриб чиқамиз...

V

Кабинетдаги катта соат дарангглади. Қараса бир бўлибди. У бош чайқади: яна ваъдасининг устидан чиқолмади. Кечга яқин хотинига телефон қилиб тайинловди: «Бугун кечқурун ўзимиз болалар билан давра тортиб, чақчақлашиб овқатланайлик, азизам. Ишингдан эртароқ қайт, ўз қўлинг билан пиширилган овқатни соғиндим».— «Яхши, мабодо фавқулодда ишинг чиқиб кеч қолсанг, телефон қил, ухламай йўлингга қараб, безор қилишади». Юлия Леонидовна «фавқулодда» сўзига алоҳида урғу бериб таъкидлади. Юсупов: «Юлька, Юлька, нақадар бардошли, меҳрибон аёлсан», деди ичида.

У ярим кечадан ўтганда уйга кириб келди. Уй жимжит, ҳамма уйқуда. Оёқ учида юриб болалар хонасига кирди-да, тунги хира чироқни ёқиб, болаларга термилганча туриб қолди. У жуда болажон эди. Ҳар замонда болаларининг кичигини қўлига олиб, катталарини етаклаб, ҳатто елкасига миндириб юрарди. Фақат ўз болаларини эмас, шаҳар ё қишлоқларда юрганида кўча-кўйда учраган болани дарров кўтариб, қўлига конфет тутарди, колхоз-совхозларда кўпроқ болалар боқчаларини кириб кўрарди...

Юлия Леонидовна орқасидан оёқ учида келиб костюмининг этагидан тортди.

— Зўрга ухлатдим, уйғотиб юборасан.

У ўгирилиб хотинининг елкасига қўл ташлаганча, иккаласи катта уйга киришди. Стол тузалганча турарди.

— Овқат олиб келай, қорнинг очдир?

Нима десин: у кун бўйи туз тотгани йўқ, икки пиёла кўк чой ичган, холос. Бюро чўзилди, кетидан одатдаги ишлар, навбатга қўйиб бўлмайди. Кейин, кетишга чоғланаётганда, ёрдамчи яна бир қалин папкани кўтариб кирди. Юсупов жимирлаша бошлаган кўзларини ишқалаб, норози ҳолда унга тикилиб турди.

— Усмон Юсупович, кеча бугунга қолдирган эдингиз, бугун уч-тўрт бор телефон қилишди...

Юсупов тушунди: бу папкадаги иш жуда чигал, икки машҳур инженерни зараркунандаликда, ёвуз ниятликда айблашган; оддий кишилар эмас, ўзларининг ҳамкасблари... Улар йирик иншоотларнинг лойиҳасини тузишган, ҳамма бало ана шу лойиҳада... Агар тўғон шу лойиҳа асосида қурилса, шаҳарни сув кўтариб кетади... Булар лойиҳани қасддан сув аста-секин тагидан оладиган қилиб, ўзларининг ёвуз ниятларини усталик билан яшириб

тузишган... Юсупов аризани шошмай, қайта-қайта ўқиди, лойиҳани қайта кўздан кечирди. Хўш, нима қилиш керак? Инженерлар шу ариза асосида кетаверсинми? Йўқ, деди у ўзига ўзи. Яна бир марта таваккал! Энг катта тўғонни инженерлар ўз лойиҳалари асосида қуришсин!

— Овқатинг совиб қолди, сенга нима бўлди, Усмон, бунақа ҳолатга тушмасдинг?

— Оғир, вақт оғир, азизам,— деди у, иккала муштини столга тираганча, оғир тебраниб.— Одамларга ҳайронман, бири иккинчисини жаҳаннамга итаради. Қараб туриб юрагим эзилади.

— Биламан, сенга осон эмас, қийин вақтда олдинг елкангга бу юкни. Тушунаман. Бугун ўғилчанг эшикка қараб-қараб ухлаб қолди. Қизинг ҳам. Ҳар куни шу-ку!

— Кечир мени, Юлька, илож тополмадим. Келгуси авлодга енгил бўлсин деймиз-у, ўзимизни фидо қиламиз.

— Биламан, энди чидаш, енгиш керак. Бошқа чора йўқ.

Юсупов ўрнидан туриб, хотинининг елкасига қўл ташлади.

— Раҳмат сенга, азизам,— унинг сўзини олди.— Икки-уч кундан бери икки инженернинг иши билан овора бўламиз. Устларидан ариза ёзишибди. Қанақа ариза дегин-а тағин: зараркунанда! Нимага, нима учун, айтинглар, исбот қилинглар. Ҳали синаб кўрилмаган лойиҳага-я! Катта мутахассислар аниқлашди: ёмон эмас, ажойиб лойиҳа! Ҳасад! Инсоннинг бир қисмига теккан юқумли касалми бу? Биласан, мен соғлом, бақувват одамман. Иш билан чарчатолмайсан мени, йўқ! Аммо...

— Сенга хотин бўлишнинг ҳамма машаққатларини хўп ўлчаб, билиб рози бўлганман. Эсингдами, ўша йигирма тўққизинчи йил баҳори?

Бу ёш, жозибали, айни вақтда ўз сўзли аёл ғоят сезгир ва назокатли бўлиб, бир қарашдаёқ эрининг ҳолатини билар, гап йўсинини дарров янги изга солар, унинг руҳини кўтарарди. Ахир, улар бошидан не-не воқеалар кечмас, руҳни эзадиган дамлар бўлмасди. Юсупов буларни туяр, бундай фурсатларда доим хотинидан беҳад миннатдор бўлар, бу улкан (жисман ҳам улкан), бағри кенг, айни вақтда, қаттиққўл одам ёш боладай эркаланарди. Ҳа, айтмоқчи, ёшликнинг ўша жўшқин, бахтиёр дамлари, ўша ёркин баҳор кунлари эсдан чиқадими!

Бу воқеа Самарқандда юз берган эди. Май кунлари эди. Комсомол съезди борарди. Ёш нотиқларнинг мин-

барга бири чиқиб, бири тушарди. Давр садоси янграрди улар нутқида. Компартиянинг яқинда бўлиб ўтган съезди чизиб берган йўл-йўриқ ҳамманинг кўнглига жо бўларди. Республика заминида, деҳқонлар ҳаётида буюк инқилобий воқеа юз бераётган эди. Ёш ленинчилар деҳқонларни бир пай қилиб бирлаштиришга шайланарди. Бошларига янги дўппи, оқ яктак устидан беқасам тўн кийган қишлоқ ёшлари, жужунча шим-костюм кийган ёш зиёлилар, мушаклари туртиб турган ишчи ёшлар, анвойи ранг атлас кўйлак кийган қиз-жувонлар, гўё ялял очилган гуллар, гоҳ зал жонланиб кетади, гоҳ ҳамма жимиб жон қулоқ бўлиб нутқ тинглайди. Ҳа, комсомол ўзини синфий жангга чоғларди. Ана шу дамда раислик қилувчи:

— Сўз Тошкент комсомолларининг вакиласи Юлия Степаненкога,— деб эълон қилди.

Минбарга юзлари тўла, комсомолча костюм кийган, сочини калта кестирган қиз чиқди, қадамлари шахдам. У савдо трестида уя қуриб ўтириб олган тўралар, ҳадиксировчилар, тепса-тебранмас танбалларни танқид ўтида ёндира бошлади. Унинг куйиниб-ёниб, минбарни муштлаб-муштлаб, пешонасига тушиб, гўё сўзига халақит бераётган соч толимларини бош силкиб кўтариб гапиришидан завқланган ёшлар суюнганларидан кулиб, руҳланиб қарсак урардилар. Зал бу қизни ғоят илиқ кутиб олганидек, гулдурос олқишлар билан кузатди. Қиз жон-дилдан гапирди, юзлари қип-қизариб, югурганча минбардан тушиб кетди, ортидан комсомоллар қатори Усмон Юсупов ҳам қарсак чалиб қолди. Танаффус вақтида уни ёнига чақиртирди. Ҳа, унинг сўзи, астойдил, комил ишонч билан ёниб гапириши Юсуповга ёқиб қолган, қандайдир бир буюк туйғу гаплашиб кўришни унинг кўнглига солган эди. Балки одамни таниш, билиш қобилияти ёрдамга келгандир... Қиз ҳаяжонланиб, юзлари қизариб, тўғриси, хиёл ҳадиксираб кириб келди. Юсупов жилмайиб, йирик кўзлари чақнаб рўпарасидан жой кўрсатди. Юсупов унинг нутқини мақтади, ишини суриштирди, тўраларни, ҳадиксировчиларни, ёт унсурларни сира аямангглар, савдо ташкилотидан суриб чиқаринглар, деб тайинлади... Кейин мажлис ёпилгач, Самарқандни томоша қилишни таклиф қилди.

Қиз кўнглида ҳайрат, нималигини ўзи англаб етмаган қўрқув аралаш аллақандай ҳис билан эътирозга оғиз жуфтлаган эди, у ҳамон жилмайиб, кўча оғзида сизни машина кутади, деди-да, гапни тугатди.

Улар съезд тугагунча учрашиб, узоқ-узоқ сўзлашиб турдилар. Юлия бу улкан одам билан туйқус танишувидан — тағин Тошкентдан, ота-она бағридан олис шаҳарда — ваҳм ва ҳаяжон кўксини қисар, тун бўйи мижжа қоқмай шифтга қараб чиқарди. Аммо Усмон ҳозирги купларгача босиб ўтган йўлини гапирар, ота-оналарини, уларнинг кечмишларини, ўзининг бир марта уйланиб адашганини, ҳатто ўз умрини курашга, халқ учун курашга тиккапини ғурур билан ҳикоя қилиб берди.

Юлия ерга қараганча муғамбирона кулимсираб луқма ташлади:

— Тағин адашманг бу йўлда?

Юсупов оғзи қулоғига етгудек жилмайди, қизнинг қўлини улкан кафтига олди:

— Сезгир қиз, Юлия,— деди. Бу луқма ҳатто уни шерлантириб юборди.— Йўқ, энди адашмаймиз. Шундоқми?— деб сўради у, ҳатто биринчи бор қизнинг иссиқ қўлига қалин лабларини босди...

Комсомолнинг республика анжумани тугади. Юсупов кузата туриб, унинг қўлини сўради. Аввало, ҳаёт тажрибаси, қалбини титратиб, туғён уриб келувчи ҳис бу сафар умр йўлдошини танлашда унга панд бермади...

«Ажойиб фазилат», кўнглидан ўтказди Юсупов, қачонки уйга кўнгли чўкиб, алам эзиб кириб келса, бу аёл бир қарашда сезади, шу дард, шу аламга малҳам бўладиган бир сўз топади. Усмон унинг кўксига катта бошини қўйиб, жим туради-да, тамом енгил тортади.

Улар ҳали бир-бирига тўймаган кунлар эди. Юсупов республика деҳқонлари ҳаётида юз бераётган буюк ўзгариш сардорларидан бири эди. Шу кунлардан бирида унинг кўнгли ногаҳон ғам-аламга тўлиб қолди. Машъум хабар келди: Янгийўл район партия комитетининг ходими Назира Юсупова оташин нотиқ, Усмон Юсуповнинг ўзидек, қайтмас курашчи, ленинчи аёл эди. Ниёзбоши қишлоғидаги қизил чойхонада деҳқонларни колхоз бўлишга, бир пай бўлиб бирлашишга чақирди. Ҳамма уни олқишлади, чол-кампирлар дуо қилишди...

Назира қоронғи тунда уйга, қовунчига қайтиб кетаётган эди. Туйқусдан бурчакда писиб ётган ёт унсур орқасидан келиб, пичоқ санчди.

Юсупов бунн ўзига урилган зарба деб билди. Назиранинг қабри устида у:

— Оташқалб жувон эдинг, синглим,— деди тупроғи энди кўтарилган қабрга бош эгиб.— Халқ ишини деб қурбон бўлдинг. Минг-минг издошларинг сенинг қутлуғ

қопинг тўкилган йўлдан боради. Синфий душман бизни бу йўлдан қайтаролмайди.

Уйда Назиранинг ҳали сутдан чиқмаган қизчаси чинқириб йиғларди. Қани энди бирон аёл уни тиндира олса. Юсупов энгашиб, бошига муштлаб-муштлаб ўтирарди. Унинг бағри қон бўлиб кетди. Ўлган-ку кетди, унга ҳеч нима керакмас, аммо мана бу гўдакнинг ҳоли нима кечади? Наҳотки, тили чиқмаган бу гўдак чинқириб ўлса! Югуриб-елиб чой ташиб юрган Юлия гўё эрининг кўнгил йиғисини сезди, қизчани қўлига олиб, бағрига босди, бола ҳиқиллаб, хўрсиниб тиниб қолди, кейин унинг қўлидан тушмади, ўз қизи бўлиб ўсди...

— Усмон Юсупович, бугун «болалар даврасида» нонушта қиларсан?— Унинг кечаги гапини эслатди Юлия Леонидовна.

Болаларнинг кичиклари тиззасида, катталари ёнида, Юсупов яйраб чой ичди. Болалар-чи? Бу нонушта улар учун катта байрам бўлди. Ахир, у доим областларда, энди эса, кўп вақти сув мутахассислари билан Фарғона водийсида ўтади. Владик уни кўп гапга солди, ҳатто эндиги сафар дадаси билан Фарғонага бормоқчи, Каптархонани кўрмоқчи бўлди:

— Олиб борасиз-а?

— Албатта,— деб хайрлашди у энг кичкинасини онасига узатиб.

Уларнинг уйи Гоголь кўчасида, шундоққина муюлишда эди. Марказий Комитетга пиёдалаб юрди. Кўчанинг чап қанотида, Марказком эшигининг рўпарасида, одамлардан холи йўлкада қотмадан келган, новчароқ бир киши турибди. Ён-верига қарамайди, кўзи осмонда, тиниқ кўк қаъридаги оппоқ булутлар сузишини кузатарди.

Юсупов қадамини яна секинлатиб, ундан сал нарида тўхтади-да, жилмайиб қараб турди. У кишининг назари ҳамон осмон қаърида эди. Юсупов аста унинг ёнига борди, у пайқамади, Юсупов кулиб юборди, у сескапиб ўгирилди, уялиб, безовталаниб қўл узатди:

— Кечирасиз.

— Йўқ, кечирмаймиз,— деди Юсупов унинг қўлини хушҳол олиб.— Агар осмондан топган янги синоатингизни айтсангиз, ўйлаб кўрамиз. Хўш, у ерда,— Юсупов қўлини осмонга чўзди,— у ерда ҳам янги канал қурамизми, Виктор Васильевич?

Пославский бу ўнғайсиз ҳолатдан ўзини ўнглаб ололмаган, шу эрталабда Марказком секретари мени кўриб

қолар, деб ўйламаган эди. Наҳот шу гап унинг қулоғига етган бўлса! Ким етказдийкин?

— Осмонни тинч қўйиб турайлик,— деди Юсупов ва унинг белидан қучиб дарвозага қараб юрди. Пославский ҳам беихтиёр ёнма-ён қадамини тезлатди.— Олдин ердагисини уддалаб олайлик. Нега бунчалик хаёл кучасига кириб кетдингиз, тағин устига одамови бўлиб қолибсиз?

— Унчалик эмас,— деди Пославский эшитилар-эшитилмас. «Қаердан эшитди экан?»

Улар учинчи қаватга олиб чиқадиган лифт олдига келганларида, Юсупов унга яна синчков тикилиб турди.

— Кимдан хафасиз? Мендапми?— Юсупов уни лифтга тортди. Пославский индамади, кабинетга киргунларича ҳам бош кўтармади. Энди Юсуповни ҳам хаёл қамраб олган эди. Яқинда Пославскийнинг яхши, анча мукаммал лойиҳаси комиссиядан ўтмади, устига: «Яхши имкониятларга эга бўлгунимизча ишга киритилмай турсин», деб ёзиб қўйилган эди. Бу заҳматкаш, ҳалол зиёлининг дили қаттиқ огриди. Юсупов уни креслога ўтқазаркан, ўзи рўпарадан жой олди.— Аммо, начора, ҳозирча иложимиз йўқ, ҳали анча камбағалмиз. Сизга сира ҳам осон тутмайман. Тушунаман: бу бедор ўтган тунлар, кўз нурининг меваси. У ҳозирча ҳаракатдан тўхтаган экан, бунинг учун осмонни кўзлаш керакмас, оғайни.

Пославский маъюс жилмайди:

— Тўғри айтдингиз, Усмон Юсупович. Начора.

— Аммо сиз чорани нимагадир осмондан излаяпсиз, ердан эмас. Тўғрими?— Яна ҳазиломуз кулди Юсупов.

Пославский ерга қаради. Чиндан ҳам лойиҳаси ўтмай қолганидан кейин унинг руҳи сўнган, ҳатто касбини ўзгартириш, учувчи бўлиш ниятида юрган эди. Ҳозир аниқ эсида йўқ, буни ўртоқларидан бирига айтган эди шекилли. Ахир ҳали қариб қолгани йўқ, ўрганиб олса бўлади.

— Тўғри, учувчи бўлишни кўнгилга тугиб юрувдим...

Юсупов кулиб юборди:

— Қўйинг-э! Ирригатор-олим ва учувчи? Тасаввур қилиб кўринг-а, қайси бири яхши. Йўқ, ирригатор! Олдин каналлар битсин, сув ҳавзаларини қуриб олайлик, кейин...— Юсупов ўтирди-да, ногоҳ ўрнидан туриб кетди, бармоқларини қирсиллата-қирсиллата хонани бир айланиб, Пославскийнинг тепасига қайтиб келди. У қалқиб тура бошлаган эди, елкасидан босди.— Ўтираверинг. Рокотов биз тутаётган ишга қарши,— деди у. Пославский

ҳушёр тортди. Юсупов нимагадир бирданига жиддий тус олган, ҳатто хиёл безовта эди.— Халқ юришига ишонмаяпти.

Энди Пославский ҳам ўрнидан турди. Иккаласи аста ёнма-ён юриб гаплашди:

— Эшитган одамнинг дабдурустдан ақли шошади,— деди у, Усмон Юсуповичга хиёл ўгирилиб тўхтади.— Иш миқёси, муддати. Мисол: Катта Фарғонани Шарқдаги энг катта ҳисобланган Нилга таққослаганда, Европадаги каналларни бир четга қўйиб турайлик, иш ҳажми, муддатига келганда фақат у кишининг эмас, бошқаларнинг ҳам ақли шошади, Усмон Юсупович,— деди у.

— Демак, у кишини ишонтириш керак?

— Мисоллар, исботлар билан. Бу жойларнинг шаронти, қадимий каналларининг тарихи билан анча дуруст таниш бўлган мен ҳам бу рақам ва муддатга энди кўникяпман.

— Тўпини бунча тескари киймаса десам... Демак, ҳали гап чўзилади. Начора. Баҳс бўлса баҳс, жанг бўлса жанг-да.— У тўхтаб Пославскийни қучиб, сўзини уладн.— Биласизми, Виктор Васильевич, баъзан хаёл қамровида қоламан. Рокотов давлат план комитетидаги ҳамма нарсани фақат рақамларда кўрадиган айрим мутахассисларни ёнига тортиб, улар билан бирлашиб олса, бизнинг йўлимизга тўғон ташласа... Бу тўғонни бузиб, йўлни тозалаб олгунимизча вақт ўтади. Мен улар билан тил тополмайман. Ишонмаяпсизми?

— Ишонаман. Умуман, менинг ҳисоб-китоб кишиларига ишим тушмаган.— У ийманиб гапирди.

— Аммо улар шунга эришсалар, кейин ҳеч қандай тез суръат бу ютқизиқнинг ўрнини тўлдиролмайди.— У яна аста юра бошлади. Пославский унга зимдан қарабқараб қадам босар ва ўйларди. Юсуповни у, ўзбек деҳқонини сувдан қийналмайдиган қилиш масаласи — партия ва давлатнинг сира кечиктириб бўлмайдиган энг муҳим, энг зарур иши деб, асосий эътибор шу ишга қаратилган кунлардан бошлаб танийди. Бир йил бўлдими бунга. Ҳамма сув мутахассислари унинг атрофида. У сардор. Шу кабинет уларнинг штаби. У ҳаммани танийди, ҳатто исм-фамилияларини ҳам унутмайди. Ҳаммага лойиқ иш қўшади. Гоҳ дарёдек тошиб юради; ўз сўзли, қаттиққўл, сиртдан қараганда дамига бориш маҳол; гоҳ қарасангиз, тўлқин бирдан пасайиб, хаёл оғушида жимиб қолади; жуда меҳрибон бўлиб ҳамманинг бошини силагиси келиб кетади; гоҳо ана шундай оҳиста дардлашади,

ҳатто маслаҳат олади; у тўғри айтди: ирригация бобида ҳали сўзи қайрилмаган Рокотов тинч ётмайди.

— Балки, уни бошқа йўл билан босиб қўйиш керакдир.

Юсупов тушунди, мамнун жилмайди.

— ВКП(б) Марказий Комитетида ажрим бўлади бу гап. Аммо мен бу масала катта тортишувга айланмаслигини истардим.

У яна тин олди. Афтидан, нимадир уни қийнар, эзарди:

— Сиз оқил кишисиз, Виктор Васильевич, шу нарсага ақлим шошадики, шундай улкан олим бизнинг бу соҳада кечиккаплигимизни, буни орқага суришга иложимиз йўқлигини тушунмаса! Ё тушунгиси келмайдими? Халқ бизга қараб турибди. Унинг ишончини йўқотишга сира ҳақимиз йўқ. Ленининнинг Октябрь қуролли қўзғолони арафасида: «Кеча эрта эди, эртага кечикилади», дегани эсингиздами? Биз каналларни бугун бошламасак кечикамиз, шундай кечикамизки, кейин уни ўнглаб бўлмайди.

«Ҳа, у халқ ишончи билан, даштларга сув етаклаш истаги билан яшаяпти,— деб кўнглидан ўтказди Пославский.— Худбинлар, нодонларгина унга эргашмайди!..»

— Усмон Юсупович,— деди у маъподор жилмайиб,— биласизми, катта канал мўлжалдаги икки ойда қазиб бўлинганда, шу бу йил битказилганда ҳам, биласизми, оқибат-натижада республика иқтисодида нима юз беради?

— Нима юз беради?— Бу савол, канал ғалабасига ишониб, унинг натижасини ҳам кўриб берилган бу савол Юсуповни жуда хурсанд қилган эди. У хушнуд жилмайди.— Хўш, нима юз беради, айтинг?

— Мўъжиза юз беради, каналчилик тарихи янгиланади!

Юсупов Пославскийнинг қўлини маҳкам қисди:

— Бу соҳада революция бўлади!— У профессорнинг қўлини қўйиб юбормай сўзини улади.— Аммо яна таъкидлайман: пахта терими бошлангунча тупроқ қазиш ишларини битказамиз. Бу соҳада революция бўлсин, Иттифоқдаги барча қардош халқлар, Ленин партияси биздан хурсанд бўлсин, бизни олқишласин десак, шундай қиламиз. Ҳа, кечикиб бўлмайди,— у бош чайқади,— кечикдинг — ютқаздинг!

Кабинет этагидаги катта соат тўққизга занг урди.

Ёрдамчи кирди:

— Йиғилганлар киришсинми?

VI

Ер ишлари халқ комиссари инженер Сайфулла Азизов икки-уч йил мобайнида Ўзбекистонда қуриладиган каналлар ва сув ҳавзаларининг саноғи ва салмоғини шошмай ҳикоя қила бошлади.

— Районлар ўзлари битказиб оладиган кичкина ариқ-анҳорларни ҳисобга олмаганда,— деди у оҳиста товушда,— тўрт-беш кундан кейин ўттиз икки километр узунликдаги Лоғон канали бошланади. Бу канални қазишга ўн беш-ўн олти минг киши чиқади. Узоғи билан йигирма кунда, тўғрироғи, ўн етти кунда қазиб бўлинади. Бу, агар таъбир жоиз бўлса, республикада кетма-кет бошланадиган халқ юришининг муқаддимаси. Айни вақтда Катта Фарғонани қазишга тайёргарлик қизиб кетади. Бунинг узунлиги, ҳозирги мўлжалга кўра, уч юз километр, эни ўттиз, чуқурлиги тўрт метр — подир бир дарё.— У ўтирганларга бир-бир қараб олди, кўзи олдинги қаторда, Коржавин билан Аскоченский ўртасида ўтирган Рокотовга тушди. У чўзинчоқ юзини оппоқ рўмолча билан артиб-артиб қўяр, кўзлари пирпираб-пирпираб кетарди. Афтидан, у ҳам ҳайратда, ҳам асабий ҳолатда эди. Азизов сўзини улади. Рокотов вужуди қулоқ бўлиб яна унга михланди.— Канал ўтадиган изни,— деди нотиқ,— атроф ерларнинг тупроқ тузилишини текшириб-ўрганиб чиқиш ва лойиҳасини тузиш икки ярим ойда тугалланади...

Катта кабинет бирданига гуриллаб кетди.

— Нималар бўлянти бу оламда? Ўзингизнинг ақлингизга сиғадими бу гап?!— Икки инженер: ғўлабирдан келган Маматов билан унинг қўл остига янги келган Собиров қадлари ростланган, қўллари пахса, интилиб турардилар.— Ўзингиз ишонасизми бу рақамларга?

Таг оқими метинланиб чиқаётган нутқ бўлинган, типч оқаётган дарё бир сапчиган, одамлар бир-бирларига маъноли қараб олишган эди. Азизов хотиржам, хиёл жилмайиб кўз ташлади. Ўтирганлар орасида бу тафсилотлардан бехабар кишилар анча эди. Рокотов бўлса, бу луқмадан мамнун, учаётган ёноғини оқ рўмолча билан ҳамон босиб: «Тавба, таассуб маст қилганми буларни?..» дерди кўнглида.

Азизов Юсуповга қаради — буёғини ҳам айтаймми, деб суради гўё. Мамнун жилмайиб ўтирган Юсупов бош иргади.

— Биринчи август тонгидан,— деди у ҳар сўзини алоҳида таъкидлаб,— бир юз етмиш минг киши иш бошлайди. Бутун трасса бўйлаб. Бир йўла.— У яна тин олди. Ўтирганларнинг баъзилари ўринларида қимирлаб, ҳатто бўйинларини чўзиб, столдаги каналлар харитасига назар ташлаш учунми, ҳар қалай, бир интилиб олишди. Азизов давом этди:— Канал қирқ беш кунда қазиб битказилади. Халқнинг азму қарори шу. Ўзга иложимиз йўқ. Колхозчилар пахта теримига тушадилар...

«Қирқ беш кун!» деган ҳайрат товушлари гулдураб кетди тагин.

Азизов қўл кўтариб ғовурни босди:

— Ҳа, худди қирқ беш кунда,— деди у, энди товуши хиёл баландлади.— Катта иншоотлар — шалолалар, қайнамалар декабрда битади, ақлга сиғмайдиган қисқа муддатда битказилган Катта Фарғонага сув қўйилади...

— Бу маҳобатга ўзингиз ишонасизми, ўртоқ комиссар?— Масхара оҳангида оғзини тўлдириб сўради Маматов.

— Чоғимда, сизнинг этингиз сесканяпти шекилли. Қўрқманг, тагида қолиб кетмайсиз!— деб жавоб берди Азизов.

Кабинет жонланиб кетди.

— Полвон оғиз сапамай саккиз дейди, қайси ўлчовга сигади бу?— Қиқирлаб кулди Собиров. Унинг ёнида ёнверига қарамай, бировга бир нима демай жим ўтирган Тешабой Мирзаев унга хўмрайиб қаради: «Оғизди танобини йиғиштириб олинг, жойи эмас!» Собиров унга аграйиб қараб қолди: «Тавба, ким бу одам?»

— Халқ юриши тўхтамайди,— давом этди нотиқ,— келгуси йили Жанубий Фарғона, Шимолий Фарғона каналлари, Олабуқа сув ҳавзаси, Тошкент, Киров, Зарафшон каналлари, Каттақўрғон сув ҳавзаси, Мирзачўлни сугоришга асос солиш учун Фарҳод гидроэлектр станцияси ва бошқа иншоотлар бирин-кетин бино қилинаверади...

— Демак, кетмону ғалтак, арава — қурол, халқ чиқадию ишлар битиб кетаверади. Шундоқми? Таянч, асос қани?— деди Собиров дабдурустдан.

Юсупов унга тикилиб қолди: унинг луқмаси эмас, Юсуповга дадиллиги, фикрини ўтказишдан тисарилмаслиги ёқди: «Майли, парвоз қиласан ё сакраб-сакраб ўрнингга тушасан», деб ўйлади. У Рокотовга кўз ташлади: у ҳамон оқ рўмолча билан бетини артар, нотиққа безовта назар ташларди.

— Амин бўлинг: шундоқ буюк ҳаракат таянчсиз, асоссиз қўзғалмас. Биз халққа, унинг ташаббусига, азм-қарорига таянамиз!

Юсупов суюниб, юз-кўзи кулиб, ўрнидан туриб кетди. Пролетарча қулоч отиб луқма ташлади:

— Жуда тўғри, ягона таянч — халқ. Ўзбек халқи ҳозир шундай бир қудрат тоғдики, бу қудратни ободонлик, фаровонлик келтирувчи асосларни яратишга солмасак, халқ, партия бизни кечирмайди.

Гап ана шу бунёд қилувчи кучларни ҳаракатга келтириш миқёсига келиб тақалганда, гўё тинч, жим оқаётган дарё бирданига тўлғанди. Ўтирганлар ўзаро шивирлаша бошлашди. Рокотов оппоқ рўмолчасини бетига босганча, бўйнини чўзиб аллакимга қаради. Кейин у кўзини Усмон Юсуповдан ололмай қолди. У эса, мутахассисларга шодон қараб ўтирар, қурилишларнинг катта кенгашида айтилмаган рақам ва миқёслари бу ўтиришда эълон қилинганидан мамнун, назарида, энди халқ юришини тўхтатиб қолишга қодир куч йўқ эди.

Рокотов Тошкентга бу сафарги келишида Марказком секретари тўғрисида анча-мунча суриштириб келган эди: Юсупов ишчилар орасидан чиққан, ҳаракатлари ҳам пролетарча, ҳатто шундан фахрланади; жўяли маълумоти йўқ; кейинчалик Москва олий партия мактабида ўқиб келган, ўта ўзсўзли, қаттиққўл...

«Қизиқ,— деб ўйлади Рокотов,— булар янги каналлар, сув ҳавзалари қуришмоқчи, кичик эмас, катта каналлар, битта эмас, ўнлаб канал қуришмоқчи, бунинг устига навбатлаб, шошмай эмас, кетма-кет, бир йўла ҳам тез! Тавба, нималар қилмоқчи булар? Олдин сув шохобчаларини тартибга сол, кейин бирон кичик каналга лойиҳа туз. Масалан, Лоғонни шошмай қур, тажриба орттир, қобилиятингни намойиш қил, кейин гапир... Йўқ, бу телбалик». У ўзини ушлаб туролмади, беихтиёр ўтирган ўрнида луқма ташлади.

— Жиддий, рўйирост гапми булар? Ахир, ҳатто кўп мутахассислар ҳайрон... ақл шошадиган гаплар-ку булар. Ахир, бир йилга деб мўлжалланган қурилишларга йиллар, ҳатто ўн-ўн беш йил керак-ку. Бу борадаги гап бирон илмий асосга таяниши керак. Йўқ, бу афсона... Шарқча афсона!

Юсупов ўрнидан туриб, пойандозда аста юра бошлади, ҳамма жим, унинг оёғи тагидаги паркет полгина полигандай қирс-қирс овоз чиқаради. Ўтирганлар бир-бирларига қараб қўйишади. Ниҳоят, у узун стол ёнига келиб